Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 18 (8.447) ◆ 1994 йил 11 февраль, жума ◆ Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Янги йил муносабати билан Сиз Жаноби олийлари яхши истак билдириб йўллаган табрикномани олдик. Жаноби олийларига самимий миннатдорлигимизни изҳор этиб, шахсан Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва осойишталик тилаймиз. Дўст ўзбек халқига фаровонлик ва равнақ тилаб, энг яхши истакларимизни изҳор этишга рухсат бергайсиз. Жаноби олийлари, Сизга юксак ҳурмат - эҳтиромимизни қабул қилгайсиз.

ҲАСАН II,
Марокаш подшоси.

Маҳбуба Ҳайдарованинг «Лола» упа-атторлик фирмасида ишлаб келаётганига унча кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан у ўз касбини пухта эгаллаб олди.

Ҳадича Тўлаганова эса «Чевар» ҳиссадорлик-тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида қариб 20 йилдан бери меҳнат қилади. У шу йиллар мобайнида корхонада яхши ишлаш билан бир қаторда ўзига муносиб бир қанча шогирдларни ҳам ўз касбига ўргатди.

СУРАТЛАРДА: Маҳбуба Ҳайдарова ва Ҳадича Тўлагановалар.

Усмон Усмонов ва Виктор Багаев суратлари.

* Республикамизда

● Кўкдумалоқда шу йилнинг биринчи ойида бурғуланган учта янги кондан ёнилғи олина бошланди. Ўтган йили бу ердаги конлардан 1 миллион 250 минг тонна нефть олинган эди. Бурғуловчилар шу йил охиригача яна 26 та нефть ва 10 та газ конини ишга туширишни режалаганлар.

● Кеча Тошкентда Эрон инқилобининг 15 йиллигига бағишланган қабул маросими бўлиб ўтди. Унда Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар Ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

● Қорақалпоғистон ҳукумати лотин имлосига ўтиш дастурини ишлаб чиқди. Ҳозир қорақалпоқ янги имлоси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

● Тошкент вилоятида биринчи марта 10 та 3 ва 4 хонали квартиралар кимошди савдосида сотилди. Тошкент тумани марказида қурилган бу квартираларнинг ҳар бири 20-45 миллион сўм-купонданга сотилди. Кимошди савдосидан тушган 300 миллион сўм-купон янги уй-жойлар қуришга сарфланади.

* Ҳамдўстликда

● Москвада Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасида республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

● Россия алоқачилари уларга қарздор бўлиб қолган «Останкино» ва Россия телекомпанияларига нисбатан ўз талабларини бажаришга киришдилар. 10 февраль куни бу мамлакатдаги алоқа корхоналарининг 40 фоизга яқини Россия телевидениесининг ахборот эшиттиришларидан бошқа барча кўрсатувларини кўпгина минтақаларда тўхтатиб қўйдилар. Россия ҳукумати раиси матбуот хизмати берган баёнотга кўра ҳукумат 1994 йил биринчи чорагида телевидениенинг ҳамма қарзларини тўлашга ваъда қилган.

● Ўтган йили Москвада 12380 та автомашина ўғирлаб кетилди. Ҳуқуқ-тартибот муассасалари бу жиноий ишларнинг атиги 4 фоизини очганлар, холос. Шу йил январь ойининг ўзида яна 1250 москвалик машинасидан айрилди.

* Хорижда

● Ўтган куни Брюсселда НАТО кенгашининг мажлисида Босния серблариga ўн кун муддат ичида оғир қурол-яроғларини Сараеводан 20 километр масофага олиб кетиш талаби қўйилди. Ана шу муддатда бу талаб бажарилмаса, ман этилган жойда аниқланган танк ва артиллерияларга НАТО ҳаводан зарба берадиган бўлди.

● АҚШ Президенти Билл Клинтон Украина ядровий қурол-аслаҳаларни йўқотиш учун бу мамлакатга кўрсатиладиган ёрдам кўпайтирилиши ҳақида ваъда берди.

● Туркия Президенти Сулаймон Демирель ва бу мамлакатга расмий ташриф билан келган Озарбайжон Президенти Гейдар Алиев ўтган куни икки давлат ўртасида дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар.

● Қоҳирада Миср Президенти Ҳусни Муборак воситачилигида бўлиб ўтган Фаластин—Исроил музокараларида Фаластинга чекланган мухторият бериш шартномасини амалга ошириш юзасидан бир битимга келинди.

● Россия билан Америка Қўшма Штатлари муносабатларида биринчи маротаба шу йил июль ойида Волга дарёси соҳилида икки давлат пиёда қўшинларининг биргаликдаги ҳарбий машқлари ўтказилади. Бу ҳақда АҚШнинг янги мудофаа вазири Уильям Перри маълум қилди.

МУШТАРИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Келгуси ҳафтадан бошлаб «Тошкент оқшоми» газетаси душанба, сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

ТАҲРИРИЯТ.

ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИ ЧУҚУРЛАШАДИ

Кеча Тошкентдаги Киночилар уйида мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари — ташқи иқтисодий алоқалар вазири Уткир Султонов, молия вазири Бахтиёр Ҳамидов, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Виктор Чжен ҳамда ташқи ишлар вазири Сандмухтор Саидқосимов, «Ўзмиллийбанк» раиси Рустам Азимов, Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст республика Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» шу йил 21 январда чиқарган Фармонини йиғилганларга шарҳлаб бердилар.

Бу Фармон Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни янги босқичга кирганидан далолат беради. Унда иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш кўзда тутилган.

Маълумки, республикада ислоҳотни амалга оширишнинг аниқ дастури мавжуд. У мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов белгилаб берган беш тамойилга асосланган. Янги Фармон ана шу дастурнинг амалий ифодаси бўлди. Қолаверса, мазкур ҳужжат юртбошимизнинг ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш борасидаги ўз йўлига садоқатини яна бир карра исботлади. Ана шу ўзига хос йўл — бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари ва шаклларини тўғри белгилаш, бозор муносабатларини аста-секин шакллантириш туфайли Ўзбекистонда ўтган йили иқтисодий кўрсаткичлар кескин пасайишининг олди олинди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда муайян ютуқларга эришилди.

Хусусий мулкчиликни ривожлантириш ва муҳофаза қилишга қаратилган мазкур янги ҳужжат қисқа вақт ичида жаҳон жамоатчилиги эътиборини тортди. Хорижнинг бир қанча оммавий ахборот воситалари ушбу Фармонни нафақат Ўзбекистон, балки Ҳамдўстлик давлатларида амалга оширилаётган ислоҳотлар тарихидаги энг дадил қадам, деб баҳоладилар.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, бир тузумдан янгисига ўтиш жараёни ҳеч қайси мамлакатда силлиқ кечмаган. Жумладан, республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтишида маъмуриятчилик, расмиятчилик сингари эски иллатлар ҳамон халал бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўтиш даврида юзага келадиган қарама-қаршиликларни, ислоҳотлар йўлидаги тўсиқларни қандай енгиш керак? Фармонда бу саволга ҳам аниқ жавоб бор. Биргина мисол, республика фуқароларининг чет элга чиқиши тартиблари тўғрисидаги банд қанчаданқанча оворагарчилигу қоғозбозликка чек қўяди.

Ҳозирда Фармонни ҳаётга тўлиқ тадбиқ этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.

Матбуот анжуманида ана шулар ҳақида гап борди. У қизғин савол-жавоблар билан ўтди.

Анжуманда журналистлардан ташқари, иқтисодчилар, молия ходимлари, Тошкентда ўз ваколатхонасига эга бўлган нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатлар элчихоналарининг вакиллари иштирок этди.

(ЎзА).

Халқаро алоқалар доирасида

«Ўзбекистон саёҳати» миллий компаниясининг халқаро алоқалари кенгайиб бормоқда. Халқаро саёҳатлар ташкилоти билан яқин ҳамкорлиги туфайли хорижда у яна қатор шерикларга эга бўлди. «Американ экспресс», «Коламбус-пресс» каби нуфузли туристик ташкилотлар билан йўлга қўйилган алоқалар саёҳатчиларни ўзаро айирбош қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Гап шундаки, яқинда саёҳатлар хизмати Лондон биржаси таклифи билан Англияда уюштирилган анжуманда «Ўзбекистон саёҳати» миллий компанияси вакиллари ҳам қатнашдилар.

Бу халқаро йиғин кунларида кўпгина ҳамкорлик битимлари тузилди.

Бу сафар чоғида Ўзбекистон павильони ҳам ташкил қилинди. Унда Мустақил Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари ҳақида ҳикоя қилувчи турли тарғибот маҳсулотлари ҳам намойиш қилинди. Кўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларнинг саёҳатбоп жойларига бағишланган открытка, плакат ва рангли нашрлар томошабинларда қизиқиш уйғотди.

Аъло сифатли қилиб чиқарилган бу босма нашрларни тайёрлаб беришда малайзиялик ноширларнинг хизматлари катта бўлди. Улар жуда қисқа вақт ичида Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи рангли журналларни чиқаришга ҳам эришдилар.

Шуни мамнуният билан айтиб ўтиш керакки, мазкур аъло сифатли тарғибот босма маҳсулотлари халқаро туристик каталогга киритилди.

Алишер АЗИМОВ.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



«Тўқимачилик комбинати» Тошкент ипгазлама ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларни ўзининг тозалиги, кенглиги ва ёруғлиги билан ажралиб туради. Бир сўз билан айтганда бу ерда ишчиларнинг самарали ва сифатли ишлашлари учун ҳамма шароит бор. Корхона маъмурияти бунга эски дастгоҳларни янгисига алмаштириш ва цехларни қайта таъмирлаш эвазига эришмоқда.

СУРАТДА: тўқув цехининг умумий кўриниши.

Козим Улмасов сурати.

НАВОБАХШ ДИЛЛАРДА НАВОИЙ

Алишер Навоий номидаги миллий боғ 9 февраль куни эрта тонгданоқ гавжум бўлди. Бу ерга Тошкент шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари, шоиру ёзувчилар, олимлар, мактаб ўқувчилари, жамоатчилик вакиллари келди. Анъанага кўра, улуғ шоир тавалуди тадбирлари ул зот ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди.

Тошкент шаҳар Ҳокими А. Фозилбеков йиғилганларни ушбу муборак айём билан қутлади.

Навоий номидаги давлат мукофоти соҳиблари Шукрулло, Б. Бойқобилов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари О. Ёқубов, П. Қодиров ва бошқалар буюк бобокалонимиз ҳақида дил сўзларини изҳор этдилар.

Республика миллий боғида бошланган байрам тадбирлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, илмий муассасалар, кутубхона ва мактабларда давом этди.

(ЎзА мухбири).

АНЪАНАВИЙ АНЖУМАН

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт институти ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси улуғ ўзбек шоири ва мутаффакири Навоийнинг адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий анжуман ўтказдилар.

Анжуманни Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Иззат Султонов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметов «Навоийнинг ўгитлар олами», хўжандлик филология фанлари доктори, профессор Эргашали Шодиев, «Саъдий донишмандлиги Навоий талқинида», филология фанлари номзоди Ёқубжон Исҳоқов «Навоийда ҳиммат мавҳуми», филология фанлари доктори Содир Эркинов «Навоийнинг Ҳусайний форсий ғазалларига татаббуълари» мавзуларида маърузалар қилдилар.

Малика ХИДИРОВА.

«ЧЕВАР»НИНГ ҚИШЛОҚ ЧЕВАРЛАРИ

Тошкент шаҳри ва вилояти туманлари ўртасида мустаҳкамланаётган ҳамкорлик ўз самарасини беряпти. Акмал Икромов туманидаги «Чевар» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам Юқори Чирчиқ тумани марказида ўз филиалини очишга аҳд қилди. Бу ерда асосан тўн, аёллар халати ва кўйлаги тикиб чиқарилиши кўзда тутилмоқда. Бундай ҳамкорлик туфайли тумандаги кўплаб қишлоқ аёллари иш билан таъминланади. Шунингдек улар касаначилик билан шуғулланиш имконига ҳам эга бўладилар.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

«ИМЛО» ИШЧИ ГУРУҲИ

«Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш йўлида кўпгина муҳим маърифий тадбирлар белгиланди. Ёзув руҳини миллийлаштириш ва шу асосда ўзбек адабий тили имлоси меъёрларини қайта кўриб чиқиш ҳам қонунда кўзда тутилган асосий талаблардан бири ҳисобланади.

Кенг қамровли бу жараён таянч имло назариясини яратиш билан узвий боғлиқдир. Ушбу масалани чуқур ўрганиб, имло меъёрларини аниқ белгилаш мақсадида махсус «Имло» ишчи гуруҳи иш бошлади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик илмий-тадқиқот институти ҳузурида тузилган мазкур гуруҳ ўз атрофига йирик тилшунос олимларни бирлаштирди. Улар орасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Ш. Шоабдураҳмонов, мухбир аъзолари А. Ҳожиев, И. Қўчқортоевлар билан бирга кўзга кўринган тилшунослар, профессорлардан К. Назаров, Н. Маҳмудов ва бошқалар ҳам бор.

«Ўзбек орфографияси ва пунктацияси асосий қоидалари» янги мажмуасини яратиш «Имло» гуруҳи олдида турган асосий вазифа бўлиб қолди. Бундан ташқари имло қоидаларини тузиш йўриқлари, хорижий сўзлар имлосини белгилаш, ўзбек тили тўғри ёзув йўллари, шунингдек атамалар, исм-шарифлар, жой номлари, қийин сўзлар имлоси билан боғлиқ қатор масалалар ҳам жиддий кўриб чиқилмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

Мулоқот тарзида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сергели туман кенгашида Президентимизнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида»ги Фармонини атрофлича ўрганишга бағишлаб мажлис ўтказди. У бошланғич ташкилотларнинг котиблари, қўшма ва кичик корхоналарнинг тадбиркорларининг ўзига хос мулоқоти бўлди. Туман ҳокими ўринбосарлари Сойбжон Каримжонов, Шавкат Гиёсов, давлат назоратчиси Шавкат Бобожоновлар Фармоннинг ҳар бир бандини батафсил изоҳлаб бердилар, йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Гулзода МАМБЕТОВА.

МУСАВВИРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси 1994 йил 15 февраль куни соат 10 дан 16 гача пойтахтнинг Шароф Рашидов кўчаси, 15-уйда жойлашган элчихона биносида Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда ўзбек мусаввирлари асарларининг кўргазмасини ўтказади. Кўргазмада олти ижодкорнинг расмлари ва ҳайкаллари намойиш этилади. Улардан беш мусаввир 1993 йилда Германияда ўз асарларини намойиш этган.

Кўргазмага жамоатчиликнинг барча вакиллари таклиф қилинадилар.

РАҚИБЛАР АНИҚ

Бу йилги биллур соврин учун майдонга тушадиган талабгорлар қаторига олий ва биринчи лига жамоаларидан ташқари ўтган мавсумда жисмоний тарбия жамоалари ўртасида уюштирилган республика кубоги финалчилари — Ромитоннинг «Зарафшон» ва Боёвутнинг «Толачи» жамоалари ҳам киритиладиган бўлди.

Демак, 1994 йилги биллур соврин мусобақаси анча эрта бошланиб, аввалгидай мавсум якунида эмас, балки ўртасида ниҳоясига етади. 10 март куни 1/32 финал саралаш учрашувлари бошланди. Унда «Йигирувчи — Бўстон» (Жиззах) — «Зарафшон» (Ромитон), «Толачи» (Боёвут) — «Мебелчи» (Янгийўл) майдонга тушади. Жавоб учрашувлари 14 март куни ўтказилади. Ғолиб жамоалар 1/16 финалга йўлланма оладилар.

3 апрель куни республикамизнинг 16 шаҳрида Ўзбекистон Кубоги учун асосий баҳслар бошланади. Дастлабки учрашувни Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Гулистонда меҳмонлар «Шифокор»га қарши ўтказади. Пойтахт трактorчилари эса Самарқандниг «Динамо» клуби аъзоларини қабул қилади. Тошкент шаҳрининг ўна бир вакили — МҲСК футболчилари Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси меҳмони бўладилар.

Жавоб учрашувлари 17 апрелда бўлиб ўтади. Май ойининг дастлабки ўн беш кунлигида 1/8, 22—26 майда 1/4 финал баҳслари уюштирилади. 12 июнда ярим финалнинг биринчи учрашуви, 26 июнда жавоб ўйини ўтказилди. Биллур совринининг 1994 йилги соҳиби 17 июль куни «Пахтакор» Марказий ўйингоҳида ўтадиган финал учрашувида аниқланади.

Зариффжон ХИДИРОВ.

* Маданият хабарлари

«АЗИМ ДАРЁ» ДАСТУРИ

Пойтахтимиздаги Республика эстрада ва цирк санъати билим юрти қошида фаолият кўрсатаётган «Азим дарё» ашула ва рақс дастаси Яккасарой тумани маданият масканларида «Истиқлол қуёши отмоқда» деб номланган янги концерт томошасини намойиш эта бошлади. Истиқлол, Ватан ва ёшлик мадҳ этилган мусиқали дастур томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинмоқда.

Мазкур дастурни Муҳаммеджон Ҳамролиев сценарийси асосида иқтидорли санъаткор Муҳаммаджон Қозоқбоев саҳналаштирган.

«МЕН ОФТОБНИНГ ҚИЗИМАН»

Мирзо Улуғбек тумани маданият уйи қошидаги болалар эстрада дастаси «Мен офтобнинг қизиман» деб номланган янги томоша тайёрлашди. Владимир Ефимов сценарийси асосида саҳнага олиб чиқилган мазкур концерт дастури ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Даста талқинидаги «Маугли», «Алиса», «Болалар», «Сув париси», «Мен офтобнинг қизиман» қўшиқлари маҳорат билан ижро этилади. Айниқса Катя Михайловская, Елена Гулишкина, Тизила Ҳасанова, Ирина Молчанова, Елена Пшенниковалар ижро этган куй ва қўшиқлар улар келажакда санъаткор бўлишларидан далолат беради.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Тошкент шаҳар малака ошириш институтида ўз билимларини бойитаётган физика фани муаллимлари яқинда Тошкент Давлат университетида бўлишди. Улар бу ерда замонавий асбоблар ва қурилмалар билан яқиндан танишиб, тажрибалар ўтказишди.

СУРАТДА: «Квант» электроникаси лабораториясининг етакчи илмий ходими, физика-математика фанлари номзоди Аброр Икромов (ўнг томонда) бир гуруҳ ўқитувчиларга лазердан фойдаланиш ҳақида гапириб бермоқда.

Собит Мусаев сурати.

* Улуғбек осмони

УЛУҒ МУНАЖЖИМ СИЙМОСИ

Фалакиёт султони Улуғбекнинг илмий меросидан баҳраманд бўлган жаҳон аҳли унинг шахсига жуда ҳам қизиқиб қолди. У шоҳ, мунажжим, маҳбуб, мутафаккир, иқтидорли шогирд, содиқ дўст, меҳрибон устоз бўлган.

Шундай буюк зотнинг ташқи қиёфаси, сиймоси қандай эди? Даврлар ўтиши билан бу борадаги изланишлар маълум самаралар бермоқда. Илк муваффақият олимнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» асарини Ғарбда кенг оммага ажойиб тарзда тарқатган, XVII аср поляк астрономи Ян Гевелейнинг «Астрономия даракчиси» асаридаги иккита нодир гравюра бўлди. Бу тасвир мусаввир Анд Стех ва гравюрачи Каролюс томонидан яратилган.

Ян Гевелейнинг юқорида номи зикр қилинган асарида жаҳоннинг машҳур беш астрономларининг зижлари эълон қилинган бўлиб, биринчи гравюрада Ян Гевелей билан биргаликда ана шу беш астроном: Птолемей, (милоднинг II асри), Тихо Браге (XVI аср), Д. Б. Риччиоли (XVII аср), Вильгельм IV (XVI аср), Улуғбек (XV аср) тасвирланган. Гравюра марказида астрономия маъбудаси Урания (табиий фанлар ичида ёлғиз астрономия ўз маъбудасига эга), унинг ўнг тарафида биринчи бўлиб Улуғбек, сўнг Вильгельм IV ва учинчи ўринда Ян Гевелей, Ураниянинг чап томонида мос равишда Птолемей, Тихо Браге, Риччиоли жой олган. Юнон Птолемей, немис Вильгельм, поляк Ян Гевелей, италиялик Риччиоли, даниялик Тихо Брагелар орасида ўзбек Улуғбекка бундай шараф кўрсатилиши бежиз эмасди, албатта. Балки бу олим зижига берилган юксак баҳодир.

«Астрономия даракчиси» асарида эълон қилинган иккинчи нодир тасвирда ҳам Мирзо Улуғбекка алоҳида ҳурмат кўрсатилган. Бу гравюрада астрономларнинг шодиёналик онлари ифодаланган бўлиб, унда жаҳоннинг машҳур ва маълум астрономлари жам бўлишган. Гравюра марказида Урания, унинг ўнг қўлида — Қуёш, чап қўлида — Ой, атрофида Миррих, Муштарий, Зуҳал, Уторуд, Зуҳра ва уларнинг икки тарафида саф тортган жаҳон астрономлари. Бу тасвирда ҳам Улуғбек Ураниянинг ўнг тарафидаги сафда учинчи бўлиб тасвирланган.

Тарихда, бу гравюра фалакиёт султонига кўрсатилган беқиёс катта ҳурматнинг тимсоли бўлиб қолди. Лекин шуни алоҳида қайд қилмоқ жоизки, ажойиб тасвирлардаги Мирзо Улуғбек сиймоси биз таниган қиёфада эмас, балки бутунлай ўзгача, европача тусдадир. Чунки у вақтда фотография бўлмаган. Ёзма манбаларда эса Улуғбекнинг ташқи қиёфаси ҳақида бирон бир маълумот мавжуд эмас. Академик В. Бартольд бу ҳақда қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Улуғбекнинг ташқи қиёфаси ҳақида манбаларда бирон маълумот учрамайди. Ваҳоланки, биз Темур ва ҳатто Чингизхон ташқи қиёфалари ҳақидаги баёнга эгадурмиз. Эҳтимол, Улуғбекнинг қиёфаси тасвирланган ҳолат қўлёзмаларда учраб қолар, лекин ҳозирча бундай тасвирлар эълон қилинганича йўқ».

Вақт ўтиши билан қўлёзма манбаларда бирин-кетин буюк мунажжим сиймоси тасвирланган расмлар топила бошлади. 1968 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги В. Шеглов, Ян Гевелейнинг «Астрономия даракчиси» асарини «Юлдузлар осмонининг атласи» номи билан нашр қилди. Шунинг таъсирида бўлса керак, кейинчалик Улуғбекнинг қиёфаси ифодаланган тўртта манба аниқланди. Булар Вашингтондаги Фриров санъат галереясида сақланаётган XV асрга оид қўлёзмадан олинган миниатюра ёки нозик ва чиройли қилиб ишланган кичкина расм, Лондондаги Британия музейида сақланаётган XVII асрга оид қўлёзмадан олинган миниатюра, Анқарадаги Этнография музейида сақланаётган XVII асрга оид қўлёзмадан олинган миниатюра ва Лондондаги Британия музейида сақланаётган XVIII асрга оид қўлёзмалардан олинган миниатюралардир. В. Шегловнинг юқорида номи қайд қилинган асарида, унинг бевосита жонбозлигида топилган бу нодир миниатюраларнинг қисқача баёнлари берилган. Жумладан, Фриров хазинасидан топилган қўлёзмани академик Г. Пугаченкова ҳар томонлама таҳлил қилган ва Улуғбекнинг ҳаётлиги давридаги тасвири бўлиши, унинг 1441—42 йилларга таллуқли бўлиши мумкин, деган фикрни билдиради. Улуғ мунажжим гилам устида чордана қуриб ўтирган кўшкнинг пештоқига форс тилида «Улуғ султон Улуғбек подшолиги ривож топсин», деган мазмундаги ёзув битилган. Кўшк атрофида Улуғбекнинг яқинлари ва мулозимлар ифода этилган. Британия музейидаги икки қўлёзманинг бирида 1599 йилда кўчириб ёзилганлиги ҳақида сатрлар битилган бўлиб, унда ажойиб манзара тасвирланган. Улуғбек тўрда, тахтда чордана қуриб ўтирибди. Ўнг қўли билан ўнг тиззасига таянган, чап қўлининг очиқ кафти юқорига қараган ва бироз олдинга чўзилган. Улуғбек очиқ чеҳра билан суҳбатдошларига ўз фикрини тушунтираётгандек. Ўз навбатида тахтга яқин ўтирган донишманд чап қўлида тасбеҳ ушлаган. Очиқ кафти юқорига қараган ва бироз Улуғбек томон йўналган, баҳсталаб қиёфада ифодаланган. Бу илмий мажлис қатнашчиларидан бирларининг қўлида қоғоз, яна бирининг қўлида китоб. Бошқалари гуруҳ-гуруҳ бўлиб қизғин фикрлашмоқдалар.

Британия музейидан топилган иккинчи миниатюра XVIII аср бошига оид бўлиб, у жиддий зарар кўрган. Бу тасвирда чордана қуриб ўтирган Улуғбек ўнг қўли билан қиндаги қиличини ўнг тиззасига босиб, чап қўли билан чап тиззасига таянган ҳолда, жиддий қиёфада воқеа содир бўлаётган тарафга қараб ўтирибди.

Ажаб эмас, кўҳна ўтмишдан бизгача етиб келган қўлёзмалар орасида улуғ мунажжим сиймосига доир янги маълумотлар топилса.

Саидбаҳром АЗИЗОВ,
фалакшунос.

* Ажойиботлар қомуси

ДАРАХТДА БИТГАН ТАРВУЗ

ЎРТА асрларни кўз олдингизга келтиринг. Мавжли, сершовқин Ҳинд океанининг сувлари қирғоқларга ғаройиб бир ёнғоқнинг пўчоқларини келтириб турибди. Ҳатто ўша пайтларда бу ёнғоқнинг пўчоқларини кўплар ҳафталаб, ойлаб қирғоқдан қидиришар эди. Лекин ёнғоқ ҳаммага ҳам топилавермасди. Мальдив қироли ёнғоққа қўл теккизган фуқаросининг қўлини чопишга буйруқ берган. Сабаби бу таги-тахти номаълум ёнғоқнинг сеҳрли кучи ҳақида талай афсоналар бор эди. Ғалати ғилоф-қобиқ ичидаги сув — ҳатто заҳарнинг ҳам кучини қирқиши, тутқаноқни, ошқозон яраларини тузатиши, эркакларнинг кучига куч қўшиши ҳақида кўп гапиришарди.

Ёнғоқни Оврупога 1553 йилда португал денгизчилари олиб келишди. Унга дарров ғаройиб дармондори деб ном беришди. Ҳатто денгизчилар ҳам ёнғоқ қаерда ўсишини билмаганликлари учун уни сув остида ўсса керак деб тахмин қилишди. Оврупо бу ёнғоқнинг жиннисиi бўлиб қолди, унинг нархи жуда кўтарилиб кетди. Ҳатто немис Кайзери Рудольф П. Бабсбург ёнғоқ қобиқлари учун 4000 гулден (122 килограмм тилла!) таклиф қилди. Лекин ёнғоқни эгаси сотмади.

Ноёб ёнғоқ узоқ вақт овруполиклар учун жумбоқлигича қолаверди. Уни ўша пайтда аташ расм бўлган эндемиклар (дунёнинг кичик бир нуқтасида ўсадиган ўсимлик) сирасига киритишди. Ёнғоқ аслида ҳам уммонлар орасидаги Сейшель оролларида ўсарди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Сейшелни истило қилган французлар ғаройиб ёнғоқлар осилиб турган пальмаларни кўришди. Энди французлар денгиздан топилган бир-иккита ёнғоқлар билан эмас, кемадаги бир уюм ажойиб мева билан қайтишди. Шундай қилиб ёнғоқлар ҳақидаги афсона ҳам йўқ бўлди, лекин унинг нархи ошса ошдики, лекин тушмади. Сабаби унинг мўъжизакор таъсири ҳақида ҳали унутишмаганди.

Ҳажми, ғалати тузилиши, ноёблиги билан Сейшель ёнғоқлари ҳозир ҳам одамларни «тинч қўймаяпти». Немис профессори Гржимек ҳам Ҳинд океани сафари чоғида ёнғоқни кўргиси келиб, Сейшель оролларида тўхтаб ўтди. Унинг фикрича бу ерда ўсадиган пальмалар ўзларининг улкан мевалари билан киши диққатини ўзига тортади. Меваларнинг катталиги тарвуздек келади. Оғирлиги 18 килограммгача етади. Шамол пайтида пальма тагида турсангиз борми...

Сейшель пальмаларининг ғаройиблиги мевасида эмас. Пальмаларнинг урғочиси мева қилади. Агар яқинроқда «эркак» пальма бўлмаса, мева ҳақида орзу ҳам қилмай қўяқолинг. «Эркак» ва «аёл» пальмаларнинг ораси беш-ўн метр, ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Уларни шамол, ҳашоратлар чанглантиради.

Ёнғоқлар тўққиз ойлик бўлганда — ҳали кўм-кўк бўлсалар ҳам — уларда қуюқ шарбат ҳосил бўлади. 12 ойда ёнғоқ ўзининг росмана катталигини касб этади. Худди шу пайтда сейшелликлар унинг орасидаги «ширин луқма» — асалдан ҳам ширин шарбатни тамадди қиладилар. Луқманинг мазаси худди бизнинг ёнғоқлардаги мазага ўхшайди. Сейшелликлар ҳам бозор иқтисодига ўтишган шекилли, энди тарвуздек ёнғоқларни емай, сайёҳларга пуллаш пайида бўлишади. Айни пайтда ёнғоқзорларни кўз қорачиғидек асраш ҳам керак. Сейшелда ҳар бир туп ёнғоқ пальмаси ҳисобда туради.

Ёнғоқнинг табиий тарзда униши ҳам қизиқ. У ер остида ярим йил «ухлаб» ётади. Сўнгра учи ниҳоятда ўткир бўлган икки ниҳол кўринади. Ҳатто қаттиқ ерлар ҳам унга писанд эмас. Тўққиз ой деганда пальмада биринчи барг кўринади. Яна шунчадан кейин иккинчиси, яна 9 ойдан кейин учинчиси унади.

Жаҳонда пальмаларнинг бир неча турлари бор. Уларнинг энг кўп тарқалгани кокос пальмасидир. У ҳам Сейшель оролларида ўсади. Унинг меваларини ҳам уммон сувлари турли тарафларга олиб кетади. Тўлқин қайси қирғоққа келтириб чиқариб ташласа, ўша ерда ўсаверади. Сейшелдаги ғаройиб ёнғоқ битадиган пальма эса тўғри келган жойда ўсавермайди. Унинг оғир мевалари сувга чўкиб кетиши мумкин. Фақатгина пўсти ёрилиб, ичидаги шарбат тўкилиб кетсагина, қобиқлари сув юзасига қалқиб чиқади.

Сейшель ёнғоқларини бошқа ерда ўстирса бўлармикин? Бўлар экан. Журналист Василий Песков уни Жакартадаги Ботаника боғида кўрганини ёзади. Мевасини кўрмабди. Чамаси уларнинг «эркак — аёллигига» эътибор берилмаган чоғи. Лекин тарвуздек меваларини эса фақатгина Сейшелдаги икки оролдагина кўриш мумкин. Айнан шу сабабли ҳам дарахтдаги тарвуз ноёб саналса керак. Бу ҳам ўз Ватанига садоқат белгиси бўлса, ажаб эмас.

Тоҳир МАҲКАМОВ.

* Ҳар тўғрида

Швейцария. Суратда кўриб турганингиз пуфлаб шишириладиган... почта маркасидир. Болаларнинг кўнглига чексиз қувонч бағишлаётган бу ўйинчоқ мамлакат бўйлаб камбағал оилалар ва болалар кўнгилочар дастурлари ҳисобига маблағ йиғиш компанияси бошланганлигини англатади.

КЕЙСТОН — РАТА — ТАСС сурати.

* * *

Екатеринбурглик нафақахўрлар Софья ва Александр Ермаковлар ўз уйларида лимон дарахти ўстиришга бел боғладилар. Беш йил давомида авайлаб-асраб қилинган парвариш ўз натижасини берди. Қариялар ҳар бири бир килограммдан ортиқроқ вазндаги ўнта лимон меваси йиғиб олдилар.

СУРАТДА: лимонлар буви ва бувининг севимли набираси Сашага жуда ёқиб қолди.

РАТА—ТАСС сурати.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

РИВОЯТЛАР ВА ҲИКОЯТЛАР

СОҲИБҚИРОН ВА ШАЙХ ШАМСИДДИН КУЛОЛ

СОҲИБҚИРОН Амир Темурнинг қўл берган пирларидан бири ўша даврнинг башоратвор авлиёларидан бўлмиш Шайх Шамсиддин Кулол эканлиги тарихий китобларда битиб ўтилган. Аммо уларнинг илк танишувлари қандай ўтганлиги кўпчиликка маълум бўлмаса керак. Ҳали амирлик хутбасига етишмаган ёш Темур кунлардан бир куни Шайх Шамсиддиннинг таърифини эшитиб, унинг зиёратига келади. Шайхнинг камтарона кулбаси олдида эгардан тушиб, отини шу ердаги дарахтлардан бирига боғламоқчи бўлганда ҳужра дарчасидан бу ёш, аммо бутун вужудидан ўт чақнаб турган ўғлонни кўрган Шайх Шамсиддин унга қарата: «Эй йигит, отингни у дарахтга эмас, наригисига боғла!» — деб овоз чиқаради. Темур нариги дарахтга ўтиб энди боғламоқчи бўлганда Шайх «Унга эмас, наригисига!» дейди. Темур нариги дарахтга ўтади. Шайх эса яна: «Унисига эмас, ундан кейингисига!» — деб буйруқ беради. Темур ноилож яна бир дарахтга ўтади. Шайх эса яна: «Наригисига!» дейди. Темур қариянинг ўз шаштини қайтариб, қайта-қайта буюраверишидан жаҳли чиқадию, охирги — бешинчи дарахтга отини шартта боғлайди. Шунда Шайх «Э, бўз бола-я бироз шошмасдан отингни еттинчи дарахтга боғлаганингда етти иқлимни эгаллар эдинг, энди бештаси билан чегараланасан-да», — деган эканлар. Ҳа, бу қутби замон авлиёнинг башорати тўғри чиқди: Амир Темур кейинчалик беш иқлим — Шом, Ироқ, Истамбул, Ҳиндистону Дашти Қипчоқни ўз тасарруфига олди, бошқаларига умри етишмади...

Мен бу ҳикояни раҳматли дадамлар — Мулло Худойқул аъламдан жуда ёшлигимда эшитган эдим, у кишининг бу воқеани қайси манбадан олганликларини сўраб қолмаган эканман, энди то ҳануз бу дам излаяпман.

«ЁҒИЙ ҚОЧДИ!»

ВАҚТИКИ Амир Темур Дашти Қипчоққа, Тўхтамишхонга қарши қўшин тортди ва улар ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Араб муаррихи ибн Арабшоҳ тавсифи билан айтганда «Икки аскар ўртасида уруш бозори қизиди. Ушбу бозорда улар ўртасида жанг олди-сотдилари авж олди». Афсуски, бу жангда Тўхтамишнинг қўли баланд келди ва яна ўша муаррихнинг ёзишича «Темур аскарлари ун бўлиб янчилмагунча муҳораба тегирмон тошлари айланаверди». Темур аскарлари пароканда бўлиб, ҳар тарафга қоча бошлади. Амир Темурнинг энг яқин пирларидан бўлмиш Саййид Барака ҳам у билан бирга эди. Аҳволи ниҳоятда танг қолгач Темур унга хитоб қилиб: «Эй афандим Саййид! Менинг қўшиним енгилди!» — деди. «Қўрқма», — деди Саййид Барака амирга. Кейин отидан тушиб ердан бир сиқим тупроқ олиб, ўзининг бўз отига яна қайтиб минди ва ўша тупроқни бостириб келаётган душманлар юзига сепиб, «ёғий қочди!» — деб бақира бошлади. Темур ҳам ёрдам қўлини чўзган шайхнинг кетидан шундай деб бақираверди. Шунда Темур аскарлари бу товушни эшитиб, барчаси бараварига шу сўзни қичқира бошладилар. «Темур қўшинидаги барча заифу кучли жангчидан «ёғий қочди!» деган иборани такрорлаб бақирмагани қолмади», деб ёзади тарихчи. Кейин аскарлар бир-бирларини қатъий қувватлаб душман устига ҳамла қилдилар. Тўхтамиш қўшини мағлубиятга учради ва орқасини ўгириб, тирақайлаб қочди.

Соҳибқирон Темур кейинчалик бу мададкор пири ҳақида «барча топган баракотларим фақат Саййид Барака ёрдамида бўлган», деб ёзган эди.

Албатта, пир-муршид Саййид Бараканинг кароматлари улуғ бўлган. Аммо юқоридаги жангда қўлга киритилган ғалабанинг асл боиси душманлар томонга қаратиб сепилган бир сиқим тупроқдамиди ёхуд шайх биринчи бўлиб бақирган, кейин, амиру барча аскарлар бараварига қичқирган «Ёғий қочди!» деган руҳлантирувчи иборадамикин?

«БИР ДОНА АРПАЧАЛИК ЭҲТИЁЖИ ЙЎҚ»

ИМОМ ва улкан аллома бўлиб етишган Ҳасан Басрий катта бир анжуманда ваъз ўқиётган эди. Йиғилганлардан бири иккинчисидан:

— Ҳасанга нега бунча иззат-ҳурмат кўрсатишади-а? — деб сўраб қолди.

— Одамлар ундан илми учун эҳтиёж сезадилар. Унинг эса халқдан бир дона арпачалик ҳам эҳтиёжи йўқ. Шунинг учун у иззат-ҳурматлидир, — деб жавоб қилишди унга.

ҚУТИЛИБ БУЛАДИМИ?

— СЕНИНГ ваъзингни эшитганлар гоҳ-гоҳ эътирозлар билдирадилар, сен бунга нима дейсан? — деб сўрашди Ҳасан Басрийдан.

— Шунчалар қудратли бўлгани билан одамлар мазамматидан худо қутила олмайди, мен — бир зарра, қандай қутилай, — деб жавоб қилди Ҳасан Басрий.

ҲУРЛАР ХУЖАСИ

ХОЖА Аҳрор валий тўғрисида гўё жуда кўп нарса ўқигандаймиз, кинофильмларда кўрганмиз. Шулар бўйича уни мутаассиб руҳоний, илм-маърифатнинг ашаддий душмани деб билардик. Мана, шукрлар бўлсинким, эндигина нақшбандийлик тариқати раҳнамоларидан бўлмиш бу улуғ зотни таниб бораяпмиз. Авлиё бобомизнинг исмлари Хожа Убайдуллоҳ эканлигини, Хожа Аҳрор эса унга берилган лақаб эканлигини ҳам энди билдик. Аммо, хўш, бу лақаб унга нима учун берилди, деб ўйлаб кўрганимизча йўқ эди. Абу Тоҳирхўжа Самарқандийнинг «Самария» асарида мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг ушбу маънога бағишланган бир тўртлиги келтирилган бўлиб, унинг таржимаси шундай:

Келди бу жаҳонга шодлик навбати
Фақир Убайдуллоҳ шаъну шавкати.
Фақирлар эркидан эди ул огоҳ,
Эрклилар эгаси шайх Убайдуллоҳ.

Юқоридаги ғазални ўқир эканмиз буюк шоирнинг валийга нисбатан айтган «Эрклилар эгаси» деган ташбиҳини ҳам мағзини чақмасдан, бу — мадҳияга хос калимадир-да, деб ўтиб кетаверган, унинг тўғридан-тўғри айтилган гап эканлигини уқмаган эканман. Қўлимга грузин олимаси Л. Салдадзенинг «Ибн Сино» деган китоби тушиб қолдию, унда шундай маълумотни ўқидим:

«Хожа Аҳрор очарчилик пайтида очдан ўлаётган барча одамларни сотиб олди ва уларни то янги ҳосил пишгунга қадар боқди. Кейин эса уларни озод қилиб юборди. Аммо озод этилганлар уни тарк этмасдан қолдилар. Шундан буён бу азиз авлиёни Хожаи Аҳрор, яъни ҳурлар хожаси деб атай бошладилар».

Ана, Хожа Аҳрор валий ким эканлар. Жойингиз жаннатда бўлсин ҳурлар хўжаси!

МЕҲР ВА ШАПАЛОҚ

ҚЎҚОННИНГ охирги хони Худоёрхоннинг номи жуда кўп ривояту воқеотларни эслатиши табиийдир. Зеро, мусулмон ҳукмдорларидан энг сўнгиси бўлган бу одам ўз бошидан кўп саргузаштларни кечиргани рост. Биринчи бор ўн тўрт ёшида (қайнотаси Мусулмонқулнинг кўмагида) тахтга ўтирган бу хон ўз салтанатидан уч бора маҳрум этилиб, яна қайта тикланган. Ва охирида рус подшолиги томонидан тахтдан туширилиб, алдову фириб билан Оренбургга олиб кетилиб, назорат остида сақланган. Хон у ердан бир амаллаб қочиб Маккага кетади ва ҳаётининг сўнгги қисмини ўша ерда ўтказади.

Давлати жуда авжида пайтида хон: «Маккадан бирор тадбирлик киши келса айтинглар, маблағини бериб, ўша жойда бир такя (истиқомат жойи) солдирурмиз», деган экан. Вақтики шундай бир одам келганда хон уни зиёфат қилибдию, ҳеч нима демай жўнатиб юборибди. Яқинлари: «Хоним, нега ўша айтган хизматингизни буюрмадингиз?» — деб сўрашса, хон: «Кўп кўримсиз киши экан; менга унча писанд бўлмади», деб жавоб қилган экан. Бу гаплардан Иброҳимжонбой деган бир масковчи савдогар хабар топиб, хоннинг ҳузурига келибдию унга: «Маккага такя солмоқ учун тайинланган маблағингизни бир йил тижоратга қўйиб, икки баробар кўпайтирсагу, кейин ўша ишга солинса», деб хонни авраб икки минг тилла маблағни олиб, Масковга бориб сарфлаб, бахузур айшини қилиб юрган экан. Худоёрхон Оренбургга бориб қолганида ўзи Маккага кетишни ихтиёр қилиб Иброҳимжонбойни топтириб, ундан ўз маблағини қайтаришини сўраган экан, савдогар безрайиб туриб: «Энди у даврлар ўтиб кетди, мендан ақча талаб қилиш учун бирор ҳужжат борми, бўлмаса бекорчи гапни қўйинг», деган экан. Шунда Худоёр ҳайрон бўлиб: «Ҳо, гап шунақами?» деса савдогар: «Ҳа, шунақа!» — деган экан. Шунда хон: «Бале, бой, бизнинг ишонган кишидан чиққан гап шу бўлса — худога солдик», деб қўя қолибди. Қарангки, у қочиб, не азоблар билан Маккага етиб борганда ўша — ўзи қайтариб юборган маккалик Ҳожи Муҳаммадбой Конибодомийникига тушиб, ундан кўп меҳрибончиликлар кўрибди, ўша воқеаларни эслашибди, хон уни писанд қилмаганидан кўп хижолатлар бўлибди, ҳалиги ҳамюрти эса хонга тасалли бериб, унга алоҳида такя солиб берибди.

Иттифоқо бир куни Худоёрхон кўчага чиққанда бир одам бир пиёла чой тутибди. Хон сўричага ўтириб чойни ичиб турган бир пайтда бир одам келиб хоннинг оғзига катта бир тош билан урибди, хоннинг оғзи қоп-қора қон бўлиб иккита тиши синибди. Қўриқчилар ҳалиги одамни тутиб, тафтиш қилишганда у: «Аслим Наманганнинг Тўрақўрғониданман, илгари саркор эдим, хонга солиқ йиғиб берганимда, хиёнат қилгансан, деб менинг ҳовли-жойимни олдириб қўйган эди, шунда хондан бир куни қасос олишни кўнглимга тугиб қўйган эдим, алҳамдулиллоҳ мақсадимга етдим», дебди. Айтишларича, хон мусофирликда еган бу калтагидан ўнгланмасдан, кундан-кунга заифлашиб, кейин юртига қайтишни кўнгли қўмсаб, охири йўлда — афғон тупроғида Амударёга етай деганда хор-зорликда оламдан ўтган экан.

Ушбу маълумотларни кўрган-билган одамлардан сўраб-суриштириб битикка жо этган Исҳоқжон Тўранинг жойлари жаннатда бўлсин.

* Истеъдодларни излаймиз

ЯНГИ ДАВР УЛУҒБЕКЛАРИ

Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаш республика жамғармаси ташкил этилганидан буён тўрт йил мобайнида бир қанча хайрли ишларни қилишга улгурди. Жамғарма ёрдами туфайли жаҳон тиллари университети толибаси Тамилла Рустамбекова Францияда таҳсил олиш билан бирга ЮНЕСКОнинг ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи бўлими билан доимий алоқада иш олиб боради. Шаҳримиздаги мусиқа лицейи ўқувчилари Шуҳрат Султонов ҳамда Алишер Отабековлар америкалик мутахассислар ўтказган танловда ғолиб чиқиб, Қўшма Штатларда бир ой муддатга ўз билимларини мустаҳкамлаш мақсадида бўлишди. Гулнора Алимова эса Португалияда ўтказилган халқаро пианиночилар кўригида иккинчи ўринни олиш билан бирга томошабинлар меҳрини қозонгани учун алоҳида мукофот соҳибаси бўлди.

Яқинда жамғарма ташаббуси билан буюк олим ва мутафаккир Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланиб, «Янги давр Улуғбеклари» деб аталган республика танлови ўтказилди. Унда 27 нафар ёшлар математика, астрономия, тарих каби фанлар бўйича ўз билимларини синашди. Унда Тошкент кимё-технология институтининг фундаментал фанлар факультетининг биринчи босқич талабаси Улуғбек Умаров ғолиб деб топилди. «Юнитех интернешнл» Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси ғолибга «Шарп» хусусий компьютер тақдим этди.

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда математика, физика, астрономия фанларига қизиқардим, — дейди Улуғбек. — Шунинг учун Астрономия илмий-тадқиқот институтида ташкил этилган «Ёш астрономлар» тўгарагига қатнай бошладим. «Янги давр Улуғбеклари» танлови эълон қилингач, тўгарак раҳбаримиз мени мусобақада иштирок этишга ундади. Ҳаммаси шундан бошланди.

— Сенинг ёшингдаги болаларнинг баъзилари ҳозирда кўпроқ пул топиш мақсадида ўзини тижоратга уришмоқда...

— Нима демоқчи бўлганингизни тушундим. Авваламбор, менда табиий фанларга бўлган қизиқиш кучли. Инсон қандай хоҳласа шундай яшаши керак, деб ўйлайман. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар тез вақтда ўтиб кетади, албатта. Барча ривожланган мамлакатлар тарихида шундай кунлар бўлган. Қолаверса, тижорат билан шуғулланишга ҳам кишида қобилият бўлиши керак.

— Астрономияга қизиқишинг кучли экан, аммо нима учун кимёгарлик соҳасини касб қилмоқчисан?

— Кимё соҳасига ҳам қизиқаман. Тўғрисини айтсам, катта кимёгар бўлиш орзуим йўқ. Ўқишни тугатиб, ишлаб чиқаришга бормоқчиман. Мақсадим — юртимиз кимё санъатини ривожлантиришга ҳисса қўшиш. Астрономиядан эса узоқлашиб кетмайман.

Мазкур танловда иккинчи ўрин нафис санъат мактабининг 11-синф ўқувчиси Улуғбек Маҳкамовга насиб этди. У олий ўқув юртига ўқишга кириб, уни тамомлагунга қадар энг кам ойлик миқдорида жамғарма томонидан пул билан таъминланадиган бўлди. Учинчи ўринни 309-шарқ тиллари лицейи ўқувчиси Улуғбек Абдурасулов эгаллади.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

* 1994—Оила йили

ИБОЛИ БЎЛИШ ҲУСН КЎРКИ

Яқинда Чилонзор туманидаги 162-мактабда «Чилонзор» маҳалласи ташаббуси билан юқори синф ўқувчиларининг ота-оналари билан ўтказилган учрашув қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш мавзусига бағишланди. Унда кўплаб баҳсларга сабаб бўлган фикр-мулоҳазалар билдирилди, ҳали ўз ечимини тополмаган муаммолар ўртага ташланди.

— Илгари биз мактабда ўқиган пайтимизда ялтироқ кийимлар кийиб келмасдик, — деди учрашувда сўзга чиққан республика хотин-қизлар комитети раисининг биринчи ўринбосари Дилбар Ғуломова. — Балки ҳаммамиз бир хил кийимда, яъни мактаб формасида келардик. Ҳозир-чи, ҳозир ким нимани хоҳласа ўшани кийиб келади. Нега синф раҳбарлари, муаллимлар ана шундай ўзбошимча ўқувчиларга танбеҳ беришмайди? Боз устига кўпчилиги пардоз-андоз қилиб, ҳар хил тақинчоқлар, зебу зийнатлар тақиб олишади.

Ота-оналар, келажакда шаънингизга доғ тушмаслиги учун авваламбор ҳаётнинг мана шу нозик томонларига эътибор беринг. Қизларингизнинг юриш-туришидан, хулқидан, фанларни қандай ўзлаштираётганлигидан доимо хабардор бўлиб туринг. Кейин уй юмушларини ўргатинг. Ана шундагина қизларимиз иффатли бўлиб, уларнинг юзидан ҳаё ва ибо пардаси кўтарилмайди, мустақил ҳаётга қадам қўйганларида ўз-ўзларини эплаб кетадилар.

— Ёш авлодга тўғри тарбия бермаслик ёмон оқибатларга олиб келиши табиийдир, — деди навбатдаги сўзга чиққан Тошкент шаҳар хотин-қизлар комитетининг раиси Муборак Юнусхўжаева. — Аввааллари биз муаллимларимизнинг юзига тик қарай олмасдик, уларга гап қайтармасдик, кўчакўйда уларни учратиб қолсак, одоб билан саломлашиб ўтиб кетардик. Ҳозирги вақтда ўқитувчисининг юзига тик қараб, унга қўпол муомала қиладиган ўқувчилар ҳам учраб туради орамизда. Қўйди-чиқдилар кўпайиб, етим-есирлар сони кун сайин ортиб бораётганлигининг сабаби ҳам оилада нотўғри тарбия берилганлигида эмасмикин? Олинган маълумотларга қараганда, ҳар йили 600—700 никоҳ бекор қилиняпти. Бу йигит-қизлар ҳали мустақил ҳаётга тайёр эмасликларидан далолат беради. Иккинчидан, кейинги пайтда баъзи ота-оналар қизларини жуда эрта, ҳатто 15—16 ёшда турмушга чиқаришяпти. Бу яхшиликка олиб келмайди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, тиббий нуқтаи-назардан 20—21 ёш қизларнинг энг камолотга етган даври ҳисобланади. Уларни худди шу даврда турмушга чиқариш мақбулдир. Шу боисдан ҳам яқиндан бошлаб туман никоҳдан ўтганликни қайд қилиш ташкилотларида «Оила сабоқлари» мавзуида суҳбатлар ўтказиб, оила қураётган бўлғуси келин-куёвларга турмушда асқотадиган керакли йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар беряпмиз.

— Менимча, «Одобнома» фани нафақат юқори синфлар, балки бошланғич синфларнинг ҳам ўқув дастурига киритилса фойдадан ҳоли бўлмайди, — деди учрашувда сўз олган кекса муаллим, «Чилонзор» маҳалласи хотин-қизлар кенгашининг раиси Лола Илёсова. — Мен илгари ўз ўқувчиларим билан «Тарбиявий соат»лар ўтказишни ҳеч канда қилмасдим. Чунончи, бундай қизиқарли дарсларни ўқувчилар сабрсизлик билан кутишарди. Унда айниқса қизларга уй тутишни тушунтирардим. Бу ўз самарасини берарди, албатта. Ўша кезлари кўпгина ота-оналар менинг дарс ўтиш услубимдан мамнун эканликларини изҳор қилишган. Ёш, ўз устида тинмай изланаётган муаллималарга ҳам «тарбиявий соат»ларни ўтказишга эринмасликларини маслаҳат берардим. «Одобнома»дан ўтиладиган дарс соатларини ҳам кўпайтириш лозим.

Учрашувда шунингдек Тошкент Давлат университетининг ўқитувчиси Убайдулла Ҳамидов, кекса санъаткор, бадиий сўз устаси Муҳсим Муҳаммадиев ва «Чилонзор» маҳалласи оқсоқоли Омон Муталовлар ҳам ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашда асосан нималарга эътибор бериш кераклиги хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Исмоил ЗОИРОВ.

* Жаҳон маданияти юлдузлари

ҲАЁТ ИСБОТЛАГАН ҲАҚИҚАТ

ЯПОН кино усталари фильмлари ҳамиша қалбимизни ҳаяжонга солиб келган. Машҳур Тосиро Мифунэ яратган образлар ҳали ҳам томошабинларнинг хотирасида бўлса ажаб эмас. Сацуо Ямамато, Ёдзи Ямада сингари кинорежиссёрлар фильмлари ўзининг ўткир сиёсийлиги, жанговарлиги билан ажралиб туради.

Япон киноси тарихида барибир Акира Куросавага тенг келадиган режиссёр ҳали-вери топилмаса керак. У ҳақида шунчалар кўп гапирилдики, ҳатто Куросава ҳақидаги афсона ҳам ҳақиқатдек туюлади кишига.

Акира Куросава ўз юртидагина эмас, чет элларда ҳам машҳурдир. Унинг асарлари туфайли япон киноси халқаро кино майдонига чиқди. Куросава дастлабки фильмларидаёқ «Расёмон» (Венеция фестивали мукофоти, «Оскар» соврини), «Яшаш ишқи» (Берлин кинофестивали лауреати) ўзига хос истеъдод соҳиби, заковат эгаси эканлигини намойиш этди.

Акира Куросавани рус адабиёти, унинг намояндалари ижоди анчадан бери қизиқтириб келарди. Достоевскийнинг «Телба» (1951), Горькийнинг «Тубанликда» асарлари асосида фильмлар ишлади. Ижодкор япон томошабинига тушунарли бўлиши учун воқеа-ҳодисаларни Японияга кўчирарди. Лекин мазмун йўналишини, моҳият ва мантиқни, фалсафий фикр ва қарашларни тўла сақлаб қолишга интилади. «Тўр қалъа», «Рак» фильмларини Шекспирнинг «Макбет», «Қирол Лир» асарлари бўйича яратганда ҳам шу одатига содиқ қолди.

1969 йили Куросава уч ҳамкасби билан бирга «Тўрт чавандоз» хусусий компаниясига асос солди. Бу ерда у ўзининг биринчи рангли «Дод эскадэн» (1970) фильмини суратга олди.

Куросава ижодининг бошларида деярли ҳар йили фильм ишлади. 1965 йилда «Қизил соқол»дан бошлаб (бу фильмни яратишга қарийб беш йил кетди) бугун 80 ёшдан ошган режиссёр 80—91 йилларда йилига фильмлар ишлади.

«Етти Самурай» фильми экранларда намойиш этилганида барчамиз Куросаванинг истеъдодига тан қойил қолганмиз. Ўрта асрлардаги Япониядаги воқеалар бизни қаттиқ ларзага солганди. Акира Куросава энг оғир ҳолатларда ҳам одамзод инсон деган юксак номга садоқатда қолиши керак, деган муқаддас ғояни фильмга сингдирганди.

Акира Куросава кино оламида илк қадамини қўйганида 6 ёшда эканини кўпчилик билмаса керак. «Сеҳрли чироқ» — кинодаги ёруғлик сочувчи прожекторлар шу-шу унинг умрида юлдузларга айланди. Куросава 30-йилларда соқов фильмларни шарҳловчи бўлиб ишлади. Кейин режиссёр ёрдамчиси бўлиш учун имтиҳон топширди.

Куросава яратган илк фильм «От» 1939 йилда экранларга чиқди. Энг охирги «Ўпқон» фильми эса кино оламида катта воқеа сифатида қабул қилинди.

«Ўпқон» фильмигача ўртада яна 27 фильм борлигини айтсак Куросаванинг қанчалар меҳнатсеварлиги ойдин бўлади. Уларнинг ҳаммаси «Расёмон», «Трамвай ғилдираклари садоси» ҳам, бошқалари ҳам мислсиз шов-шувларга сабаб бўлганди.

1975 йилда «Мосфильм» киностудияси Акира Куросавани «Дерсу Узала» фильмини суратга олишга таклиф этди.

Куросава ҳали ёшлигидаёқ Владимир Арсеньевнинг «Дерсу Узала» китобини ўқиган, кўпдан бери бу китобни экранга олиб чиқиш истаги унга тинчлик бермасди. Китобда инсоний қадриятлар, олижаноблик, ёвузлик ўртасидаги муросасиз кураш қаламга олинган.

Акира Куросава «Дерсу Узала» фильмини табиат, уни ардоқлаш ҳақида бўлиши кераклигини қалбдан ҳис этарди. Чиндан ҳам Дерсу Узалани табиатдан ажратиб бўлмасди. У она табиат билан уйғунлашиб кетганди.

— «Дерсу Узала»ни ардоқ йиллар суратга олгансиз-а? — деган саволга машҳур кинорежиссёр:

— Бир йил. «Етти Самурай»ни ҳам бир йил давомида суратга олганмиз, — деб жавоб берди. — Лекин «Дерсу Узала»га тайёргарлик тўрт йил давом этди. Барибир мен учун ниҳоятда кўнгилли бўлди ушбу фильм.

— Фильмларга бундай тўрт-беш йиллаб вақт сарфласангиз.., — деб сўрайди ундан ёш япон актёри Кеньити Хагивара.

— Бу билан ёшингиз бир жойга бориб қолган демоқчимисиз? Хотирингиз жам бўлсин, мен ҳали-вери ўлмоқчи эмасман. Менинг дарду фикрим яхши фильмни суратга олиш. Яхшиси шу масалада менга ёрдам беринг, — дейди Куросава қошларини чимириб.

— Суратга олган фильмларингизнинг ҳаммасининг мазмуни оддий? — яна сўрайди Хагивара.

— Тўппа тўғри. Ахир соддалик энг юксак бадиий талқинку, — дейди кулиб Куросава.

— Ёш актёрларга нима деган бўлардингиз?

— Нима ҳам дердим. Дастлаб спорт билан шуғулланишсин. Чет элда биронта актёр йўқки, отда юрмасин. Ҳатто велосипедни қойил қилиб бошқаролмаган актёрни актёр санолмайман.

Акира Куросаванинг «Тушлар» деб аталган 28-фильми ҳар жиҳатдан ибратлидир. Унинг илк томошабинлари Канн шаҳри аҳолиси бўлган эди. Бу картина инсон тақдири, Япония, Ер Сайёраси ҳақида мушоҳада юритувчи мажозий шаклдаги асардир. Фильм мусиқали пьесага асосланган алоҳида-алоҳида ҳикоялар баёнидан иборатдир. Японча «юмэ» сўзи туш ёки орзулар маъносини билдириб, унда таржимаи ҳол ва уйдирма хаёллар уйғун ҳолда берилади. Куросава ўз таржимаи ҳолида ёзишича, синглисининг ўлими тарихи ёритилган фильм ишламоқчи бўлган. «Тушлар» ана шу фикр ва мақсаднинг илк ҳосиласи сифатида дунёга келди.

Куросава фикр-қарашлари жуғрофий кенгликларни қамраб олган. Турфа ранг олам руҳий образ — кишининг сўнгги сирли қўрғони бўлган тушлар билан алмашиниб таърифланади. Лекин бу — орзулар ҳақиқий воқелик ўрнини эгаллайди деган гап эмас. Орзу — бу дунё тамоман йўқолишидан аввал биз кўришимиз ва кўрсатишимиз мумкин бўлган оламнинг сўнгги тимсоли, образидир...

Кино санъатига қўшган салмоқли ҳиссаси учун нуфузли «Оскар»га сазовор бўлган 82 ёшли режиссёр бундай мураккаб фильм яратиб, томошабинга сўнгги васиятини изҳор этишини тасаввур этишнинг ўзи оғир.

«Август рапсодияси» фильми биз доимо севиб кўрадиган оила мавзусидадир. Тўрт набира кексайган бувисиникига ёзда дам олиш учун келадилар. Буви ўша кезлари анча йиллар муқаддам Америкага кетиб қолган укасидан хат олган бўлади. Бу воқеа энди узоқ ўтмишга айланган, буви хотирасидан ўчиб ҳам кетганди. Бироқ кампирнинг хотирасида бошқа ака-сингиллар ҳақида, масалан, чақмоқ уриб кетган кедр дарахти остидаги кулба яхши сақланиб қолган. Ёки ғалатироқ бўлиб қолган укасини, ўзи ёлғиз хонасига кириб олиб яккаш кўз расмини чизиб ўтиришини у яхши эслаб қолган.

Шуниси диққатга сазоворки, 10 йил ичида яратилган шу биргина асар япон кинокомпаниясини маблағ билан тўла таъминлади.

Куросава ўзининг 82 йиллик ҳаётида кино санъати учун шунчалар кўп иш қилдики, 5—10 киночи бир бўлиб ҳали-вери бу ишларни қилиши даргумон.

Акира Куросава — япон киносининг фахри. Ўз миллати, халқининг фахри бўлган санъаткор эса жаҳоннинг ҳам ардоқли кишисига айланган. Буни ҳаёт кўп марта исботлаган.

Толиб САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Сиз кўриб турган бу бежирим қулай стол ёритгичлари ҳар бир хонадонга ўзгача чароғонлик, чирой бахш этади. Миллий матоларимиз ёрдамида тайёрланган мазкур ёритгичларни шаҳримизнинг уй-рўзғор буюмлари ва хўжалик моллари ишлаб чиқариш бирлашмасидаги қўли гул ишчилар ишлаб чиқаришади. Бу ерда тайёрланган ҳар бир уй-рўзғор буюми харидорларга манзур бўлмоқда.

СУРАТДА: бирлашма касаба уюшмасининг раиси Муборак Икромова ва ишчилар Муҳаббат Мусаева, Муқаддас Аҳмедовалар тайёр бўлган стол ёритгичларини кўздан кечиришмоқда.

* Бўш вақтингизда

«ҲИКМАТЛАР» МУАММОНОМАСИ

Аввал улуғ мутафаккир, мумтоз ўзбек шоири Алишер Навоийнинг қуйида келтирилган шеърий ҳикматларида рақамлар билан яширинган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Айтур сўзни айт — айтмас сўздан 7, 2, 4, 10.
2. Эр кишига зебу зийнат — 6, 1, 15, 8, 2, 10 ва донишдир.
3. Одам ўғлон, 17, 11, 14, 1 зоҳирдан демас,
   Кимни андин фахр этар, одам эмас.
4. Ҳусну жамолсиз киши 3, 1, 13, 1, 19 калом эса,
   Саид айлар элни нуқта фасоҳат била деса.
5. Бир деганни икки дема хўб эмас,
   5, 16, 17 чу такрор топди дилкаш эмас.
6. Айлама ўз раъйингга кўп эътиқод,
   Ишончли 18, 9 раъйидин иста кушод.
7. Ёлғиз киши даврада топмас 19, 2, 12, 20,
   Ёлғиз овучдан ким эшитмиш садо.
8. Кўнгулга футуб бўлмайин, роз очилмас,
   Садаф гар 14, 21, 10, 21, 19 бўлса гавҳар сочилмас.

Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларни таааллуқли ҳарфлар билан алмаштирсангиз шоирнинг яна бир ҳикматини билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

* Хоҳ ишонинг, хоҳ...

ПИВОХЎРЛАР

«Эрталаб ҳам, кундузи ҳам, кечқурун ҳам пиво». Прагадаги пивохоналарда жимжимадор қилиб ёзилган тахтачалар — эълонлар кўзни оламан дейди. Аслида эълонлар чех пивоси ва чех фуқароси ўртасидаги ўзаро муносабатларни ифодалайди. Яна ҳам аниқроқ айтсак, бирини иккинчисисиз тасаввур қилиш жуда қийин. Аҳоли жон бошига пиво ичишда, яъни пивохўрликда Чехия жаҳонда биринчи ўринда туради десак, лоф бўлмайди. Бунинг учун эса барча шарт-шароитлар мавжуд.

БИРИНЧИСИ: етарлича пиво, сифати аъло, бунинг устига турли-туман сортлари ишлаб чиқарилади. Азал-азалдан Чехияда ҳар битта туман маркази ўзининг пиво корхонасига эга бўлиб келган. Унинг неча хил тури бор экан — ёлғиз аллоҳга аён... Ёрқин ва тўқ рангли, аёллар учун, қанд касаллигига чалинганлар учун, шофёрлар учун алкоголсиз, қисман алкоголли — санаб адо қилолмайсиз. «Праздрой» ва «Будвар», «Старопражен» ва «Броник», «Велкопоповицкий коэёл» ва «Гамбринуо», «Крушовицке» ва «Голешовицке»... Бу рўйхатни қанча хоҳласангиз шунча давом эттиришингиз мумкин.

Чех халқида, ҳатто эшитган кишини жилмайишга мажбур этадиган бир мақол бор: «Пиво нархини оширган ҳукумат узоққа боролмайди».

Яқинда Чехия ўзининг миллий ифтихорини қайта ишлаб чиқаришига сал қолди. Мамлакатга пиво уруши таҳдид қилди. Пльзендаги «Праздрой» корхонаси пивосининг икки янги турининг бир шиша нархини бир кронга арзонлаштирди. «Праздрой» пиво ишлаб чиқаришнинг худоси. Кичикроқ корхоналар унга бас келолмайди. Демак пивоси тез сотилиши учун унинг нархини арзонлаштиролмайди. Улар ҳам қараб туришмади. Икки юз шиша пиво сотиб олган кишига йигирма шиша пиво текинга мукофот тарзида берилишини эълон қилди. Шунақанги шов-шув кўтарилдики, пивохўрлар қаёққа қараб чопишга ҳайрон. Охири «пиво фронти»дагилар бир илож қилиб келишишга муваффақ бўлишди.

Муаммо ҳар ерда муаммо экан. Пиво ичиш бемалол. Уни ишлаб чиқариш бошқа. Пиво ишлаб чиқарилгани билан уни истеъмолчига етказиш керак. Бунинг учун чех пивохўрлари олдида икки йўл бор бири — дўконлар. Серҳашам замонавий супермаркетдан тортиб, қишлоқдаги митти дўкончагача бўлган тармоқлар. Уларнинг ҳар бири Чехияда пивохўрларга 5—10 хил пиво тавсия қила олади. Сабаби бор буни: ҳар бир дўкондор исталган ҳажмда, исталган кўринишдаги шишаларни индамай қабул қилади. Чунки пиво фақат шу идишларга алмаштирилади. «Идиш йўқ» деб кўрингчи.

ИККИНЧИСИ: қадрдон пивохона. Сабаби чехларнинг уйидан пивохонагача икки қадам келади, холос. Пивохўр пивохона билан болалигидаёқ «танишиб» олади. Чех пивохўрлари бир-бирларини танишади. Шу ерда ҳол-аҳвол сўрашишади, янгиликлар алмашишади. Гап топилмаса жимгина пиво хўплаб, мусиқа тинглашади. Сўққабошлар учун жуда ҳам боп жойда пивохона!

Пивохона очаман деган тадбиркорларга мушт кўрсатишган пайтлар ҳам бўлган. «Лекин осонликча қўлга кирадиган нима бор» — бу пивохоналар хўжайинларининг севимли ибораси.

Прага кўчалари сокин бўлади кўпинча. Лекин оқшом чўкди дегунча пивохоналар гавжум бўлиб кетади. Агар буғдой сепиб юборилса, бундай пайтда бирон донаси ерга тушмоғи даргумон.

Чех пивохонаси бизнинг чойхонага ўхшаб кетади. Фақат у ерда қозонларда ошнинг зирвағи ўрнига суҳбат қайнайди, чойнакдаги мазали ҳинд чойининг ўрнига пиво тортилади. Биз чойни қайтариб ичсак, чех биродарларимиз қайтармасдан олаверишади.

Толиб САЪДУЛЛАЕВ.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР «МЕДТЕХНИКА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-САВДО КОРХОНАСИ

қуйидаги мутахассисларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

— тажрибали **бош бухгалтер.** Ойлик маоши — 139.970 сўм +75 фоиз мукофот (йилнинг ҳар чорагида берилади);

— **ҳуқуқшунос.** Ойлик маоши — 61.720 сўм + 75 фоиз мукофот (йилнинг ҳар чорагида берилади);

— ностандарт ускуналар бўйича **муҳандис-технолог.** Ойлик маоши — 67.555 сўм + 75 фоиз мукофот (йилнинг ҳар чорагида берилади);

— **режалаштириш бўлими бошлиғи.** Ойлик маоши — 116.640 +75 фоиз мукофот (йилнинг ҳар чорагида берилади).

Манзилимиз: «Доғистон» бекатидан 56-автобуснинг «Медтехника» бекатигача борилади. Иш кунлари «Горький» метро бекатидан ва Юнусобод даҳасидан хизмат автобуслари қатнайди.

ТАШҚИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан пул ўтказиш йўли билан «PANASONIK KX—T 2365» телефонларини

СОТАДИ.

Телефон: 77-86-88.

«Тошкентқурилиш» корпорациясига қарашли 1-Тошкент уйсозлик комбинатининг

«ДЎСТЛИК» ТРЕСТИГА

Тюмень вилоятида — турар жой бинолари ва ижтимоий маданий-маиший иншоотлар қурилишида ишлаш учун

шошилинч равишда қуйидаги юқори малакали мутахассислар

ҚЕРАҚ

сувоқчи-бўёқчилар, кошинловчилар, дурадгорлар, бино пештоқини пардозловчилар, том ёпувчи усталар, монтажчилар, электргазпайвандчилар, ғишт терувчилар, қувур ётқизувчи машиналарнинг машинистлари, ташқи қувурларни монтаж қилувчилар.

1 йилга сафарбар қилинганларга 70 фоиз туман коэффициенти ва қоидага биноан кеча-кундузлик харажат пули тўланади.

Меҳнат ҳақи Россия пули билан тўланади.

Ёлғизларга ва оилалиларга вагон-уйлардан жой берилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, «Халқлар дўстлиги» метро бекати, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 16-уй.

Телефонлар: 45-52-39, 39-47-02, 45-46-59, 39-19-57.

«ВАТАН» Ўзбекистон — Афғонистон қўшма корхонасига
Шошилинч равишда

МАЛАКАЛИ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКАЛАР

ҚЕРАК.

Шартномага кўра ҳақ тўланади.

33-58-60 телефонига қўнғироқ қилинсин.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Тўқай кўчаси, 85-уй.

ТОШКЕНТ ТИЖОРАТ ТЕХНИКУМИ

пуллик тайёрлов курсларига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқув машғулотлари математика, химия, она тили ва адабиёт фанлари бўйича олиб борилади. Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида ўтказилади. Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача техникум ўқув ҳисоблаш маркази (1, 02 хона)да қабул қилинади.

Манзилимиз: Усмон Носир кўчаси, 105-уй (7, 24, 28-трамвайлар; 15-троллейбус ва 79, 181-автобусларнинг «Нептун» кафеси» бекати ёнида).

Телефон: 53-62-31, 53-73-56.

Қизил Ярим Ой жамияти аъзоси руҳий табиб, башоратчи Ёқубхўжаев Мўйдинхўжа Турсунзода ўғли ибн Ҳайдархўжа набираси беморларни даволашга таклиф қилади.

Умумий равишда: шароитга қараб бош, бел, оёқ, қўл, юрак, уйқусизлик, гаранглик, ваҳима, қўрқоқлик, юрак сиқиши, бедармонлик, буйрак, жигар, ошқозон-ичакдаги тош ва тузлар даволаниб келинади.

Туғма кўзи ожиз, қулоғи эшитмаган беморларга кафолат берилмайди, кайфи борлар қўйилмайди.

Янги тартибда: руҳий, асаб хасталиклари, хасталикни аниқлаш, иш йўли, бахт йўлини очиш, иссиқ-совуқни қайтариш, илми-амални ечиш, дам солиб даволаш кўзда тутилади.

Оғир беморлар тезлик билан қабул қилинади.

Ҳозирги турар жойимиз: Тошкент шаҳри, Гулистон мавзеси, 42-уй, 30-хонадон (13, 94, 69, 87-автобуслар; 23, 19-троллейбусларнинг «Алгоритм» заводи» бекатида тушилади). Қабул соати 6 дан 19 гача; жума — қабул қилинмайди.

Й. Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати ва жамоат ташкилотлари «Амалий математика» кафедрасининг доценти М. Позиловга волидан муҳтарамаси **Насиба ПОЗИЛОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 14. II

● УзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Самарқанднинг мовий гумбази». Телефильм.
18.25 «Эстрада концерти». Алишер Икромов қўшиқлари.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 Эълонлар.
19.20 «Эл хизматида». Иссиқлик қувватларидан фойдаланиш.
19.40 «Бобурийлар изидан». Ҳужжатли фильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Ватанни севмоқ иймондандир...»
21.30 Мерос. «Қобуснома».
22.30 «Назм ва наво». Бобур лирикаси.
23.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 «Билиб қўйган яхши».
19.35 «Изланган имконият топади».
20.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.35 «Бировнинг номида». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 12.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 «Тонг».
9.20 «Тингланг, томоша қилинг...».
9.40 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 35-серия.
10.10 «Скрябиндан Ленингача...». Концерт.
10.25 «Иқболи кулганда».
11.05 «Уруш тугагунча тўққиз йил ичида». Телефильм. 1 ва 2-фильмлар.
12.00 Янгиликлар.
12.25 «Тадбиркор».
13.25 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Конькида югуриш спорти. 5000 м. Эркаклар. Лиллехаммердан кўрсатилади.
14.25 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Чанғи спорти. 30 км. Эркаклар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида [15.00] — Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
17.00 Олимпиада кундалиги.
17.20 Халқ оҳанглари.
17.30 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Чана спорти. Эркаклар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
18.05 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
18.25 «Истеъдодлар ва мухлислар».
19.15 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.25 «Йўлбошчи».
20.10 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 35-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 «Фантазия». Телевизион бадиий фильм.
22.45 Кичик концерт.
23.35 «Эльдорадо».
24.00 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Россия — Финляндия терма командалари. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
02.30 «Тунда дераза».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 «730-формула».
8.00 «Репортёр».
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «Оқ қарға».
9.45 Телегазета.
9.50 «Янги чизиқ».
10.20 Хонаки экран. «Эшафот бўйлаб сайр». Бадиий фильм.
11.45 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Фигурали учиш.
13.00 Эй-Би-Сининг дунё янгиликлари.
13.30 «Янги чизиқ».
14.05 «Экспомарказ» таништиради.
14.20 Олимпиада курьери. Лиллехаммердан кўрсатилади.
14.50 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
16.00 Телефильм.
16.25 Кундузги сеанс. «Профессор Доуэлнинг васияти». Бадиий фильм.
17.55 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
*
19.15—22.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.40 Душанба куни детектив. «Орзу». Бадиий фильм. «Эркюль Пуаро» сериалидан.

Сешанба, 15. II

● УзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Нотаниш ворис». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Касрлар ва улар устида амаллар.
11.00 «Замин қалбига қулоқ тут». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик. Ер ости бойликлари ва улардан фойдаланиш.
12.00 Болалар учун. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Тадбиркор».
18.40 «Шеърий дақиқалар». Ойбек лирикаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 Эълонлар.
19.20 «Кулол Раим бобо». Телефильм.
19.35 «Ягона иқтисодий ҳудуд». Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамкорлиги.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Дўстлик наволари». Хонанда Қодир Жўрақулов.
21.25 «Чемпионлар давраси». Бокс.
21.55 «Нокдаун». Бадиий фильм.
23.10 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 «Дийдорингни кўргали зорман».
«ОМАД» таништиради:
19.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 9.10, 17.55, 21.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.45 «Тонг».
9.15 Мультфильм.
9.20 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.15 «Уруш тугагунча тўққиз йил ичида». Телефильм. 3 ва 4-фильмлар.
11.20 «Николай Зиков театри».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 Кўчмас мулк бозори шарҳи.
* * *
14.25 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Чанғи спорти. 5 км. Хотин-қизлар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
15.30 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал. 5-серия.
16.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
16.20 «Тадбиркор».
17.00 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Чана спорти. Хотин-қизлар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
17.45 «Протокол сатрларида».
18.20 «Парда ортида».
18.45 Олимпиада кундалиги.
19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.30 Катталар учун мультфильм.
21.40 Режиссёр Л. Пчёлкин фильмларининг ретроспектив намойиши. «Кечиккан севги». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
23.40 «Кечиккан севги». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
00.55 «Миллион кўзлар учун сир». «Красная Полянадаги чашма». Илмий-оммабоп фильм.
01.10 «Матбуот-экспресс».
01.20 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. АҚШ — Словакия терма командалари. 3-давр. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 «730-формула».
8.05 Ҳужжатли фильм.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Телегазета.
9.00 «Ўз-ўзига режиссёр».
9.30 «Тилла новда».
* * *
12.00 «Ностальжи» — барча авлодлар мусиқаси».
12.30 «Сайёрадош қўшнилар».
13.00 Эй-Би-Сининг дунё янгиликлари.
13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.50 «Рус ижозатномаси».
14.20 Олимпиада курьери. Лиллехаммердан кўрсатилади.
14.50 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
16.00 Телефильм.
16.25 Болалар учун янгиликлар.
16.40 «Рост» студияси. «Биринчи тайм».
17.15 «Янги чизиқ».
18.00 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
18.15 «Энг соддаси».
19.15 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 280-серия.
20.05 «Ҳар бир кун байрам».
*
20.15—22.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.45 «Бу ўша Янковский».

Чоршанба, 16. II

● УзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 Республика газеталарининг шарҳи.
9.25 «Футболдан оғиз очманг». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
11.00 «Наққош». Телефильм.
11.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари [АҚШ].
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ўсмир ва қонун».
18.40 Иқтисод сабоқлари.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 Эълонлар.
19.20 «Ҳамкорлик сари».
19.45 «Рақслар гулдастаси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 Тадбиркор минбари.
21.40 «Ижод саҳифалари». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбековнинг 60 йиллигига.
22.50 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 «Спринт».
19.35 «Кинотриада».
20.45 «Альбервиллдан Лиллехаммергача». Спорт кўрсатуви [рус тилида].
21.00 «Бензоколонка маликаси». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 9.10, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.45 «Тонг».
9.15 «Ҳакка». Болалар ахборот кўрсатуви.
9.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.35 «Саёҳатчилар клуби» [сурдо таржимаси билан].
11.20 «Парвоздаги уй». Кўп серияли мультфильм премьераси.
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 Кўчмас мулк бозори шарҳи.
12.35 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал. 6-серия.
* * *
15.20 «Тадбиркор».
16.15 «СБ» жумбоғи».
16.25 «Парвоздаги уй». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.55 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
17.00 Қўшниларимиз Афғонистон Республикасидан олиб чиқилганлигининг 5 йиллигига бағишланган байналмилал жангчилар учрашуви. Давлат Кремль саройидан олиб кўрсатилади.
18.20 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.40 Олимпиада кундалиги.
19.05 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Чанғи фристайли. Могул. Лиллехаммердан кўрсатилади.
19.50 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Бомонд».
21.45 «Белый попугай» клуби». Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
22.35 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Рождество хиёбонидаги уй». Бадиий фильм [«Мосфильм»].
00.35 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Конькида югуриш спорти. 1500 м. Эркаклар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
01.20 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Чехия — Германия терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
02.40 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 «730-формула».
8.05 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Фигурали учиш. Спорт жуфтлиги. Лиллехаммердан кўрсатилади.
10.10 «Параллеллар».
10.25 Ишбилармон кишилар даври.
10.55 Мульти-пульти.
11.05 Санъаткор фильмлари жавонидан. Режиссёр Ю. Райзман. «Агар бу севги бўлсачи!». Бадиий фильм.
12.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 280-серия.
13.40 Эй-Би-Сининг дунё янгиликлари.
14.10 Телегазета.
14.20 Олимпиада курьери. Лиллехаммердан кўрсатилади.
14.50 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Лиллехаммердан кўрсатилади.
16.00 Телефильм.
16.20 Болалар учун янгиликлар.
16.35 «Рост» студияси.
17.05 «L—клуб».
17.50 «К-2» таништиради: «Кинограф».
18.40 «Ҳар бир кун байрам».
18.55 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Хоккей. Россия —Австрия. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
*
21.30—22.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 281-серия.
23.35 Криминал хабарлар экрани.
23.45 «Тўлин ой».

Пайшанба, 17. II

● УзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Вайрона уйдаги шарпалар». Бадиий фильм.
10.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари [АҚШ].
10.50 «Ёшлик» студияси. «Истеъдод».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Қалб садолари». Телефильм.
18.25 «Фармон ва ижро».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 Эълонлар.
19.20 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Ислоҳот ва масъулият».
21.25 Мулоҳаза. «Баҳор»нинг баҳори қайтармикин...»
22.35 «Чантромор». Қисқа метражли бадиий фильм премьераси [«Ўзбекфильм»].
23.15 «Ўзбекистон» ахбороти.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 «Мусиқали меҳмонхона».
20.05 «Пульс». Хабарлар.
«ОМАД» таништиради:
20.20 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 9.10, 15.20, 21.20 —Кўрсатувлар тартиби.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.45 «Тонг».
9.15 «Домисолька».
9.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 «Ҳайвонот оламида» [сурдо таржимаси билан].
11.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 Кўчмас мулк бозори шарҳи.
12.35 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал. 7-серия.
* * *
15.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
15.25 «Тадбиркор».
16.05 «Технодром».
16.20 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Чанғи спорти. 10 км. Хотин-қизлар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
17.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.10 «Мулкдор алифбоси».
18.20 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Тоғ чанғи спорти. Супергигант. Эркаклар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
18.50 Олимпиада кундалиги.
19.10 «Лабиринт».
19.40 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.50 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Кинопанорама».
22.15 Юмор антологияси. «Йиллар оша табассум».
23.35 Катталар учун мультфильм.
23.55 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Канада — АҚШ терма командалари. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
02.30 «MTV».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 «730-формула».
8.00 Тонгги концерт.
8.20 «Кетдик».
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 Замонавий хореография XII халқаро фестивалида [Витебск].
10.15 «Янги чизиқ».
10.45 «Ишбилармон киши».
11.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 281-серия.
12.00 Телегазета.
12.05 «Янги чизиқ».
12.50 Эй-Би-Сининг дунё янгиликлари.
13.20 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.40 Олимпиада курьери. Лиллехаммердан кўрсатилади.
14.10 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Чанғи. 10 км. Эркаклар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
16.00 Телефильм.
16.20 Болалар учун янгиликлар.
16.35 «Рост» студияси. «Такой возраст» ёшлар тележурнали.
17.05 «Оддий кунлар».
17.50 Актёр кинотеатри. В. Лановой. «Офицерлар». Бадиий фильм.
19.25 Концерт.
19.40 «Ҳар бир кун байрам».
19.50 «Мен—йўлбошчиман».
20.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 282-серия.
21.05 «Ҳеч ким унутилмайди».
21.10 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Конькида югуриш спорти. 3000 м. Хотин-қизлар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
*
22.00—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Жума, 18. II

● УзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Ялангоёқ ўт босиб». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 Ўсмирлар учун. «Камалак».
11.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари [АҚШ].
11.45 «Ёшлик» студияси. «Одобнинг — зийнатинг».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 Эълонлар.
19.20 «Иқтисодимиз таянчлари».
20.00 «Дунё воқеалари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 Бевосита мулоқот.
21.50 Ўзбек халқ куй ва қўшиқлари.
22.30 «Кўпик». Бадиий фильм.
23.50 «Ўзбекистон» ахбороти.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 «Мўъжизалар оламида».
19.45 «Иқтисод, бизнес, солиқ».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Йигит билан қиз». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 9.10, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.35 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.45 «Тонг».
9.15 Мультфильм.
9.25 Болалар учун фильм. «Мен қариндошингизман».
10.35 «50х50» телетомошаси.
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
* * *
13.55 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Биатлон. 15 км. Хотин-қизлар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
16.15 «Тадбиркор».
16.50 «Олеся ва компания».
17.20 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Чана спорти. Иккиликлар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
17.45 «Бизнес-класс».
18.20 Мультфильм.
18.35 А. С. Пушкиннинг «Мис чавандоз» поэмаси ҳақида мулоҳазалар.
19.00 «Технодром».
19.10 Маданият янгиликлари.
19.25 Олимпиада кундалиги.
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Детективлар клуби»да. «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Ярим тунги блюз». Бадиий фильм [«Ватан» киностудияси].
23.05 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
23.20 «Музобоз».
23.55 Катталар учун мультфильм.
00.35 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Германия — Россия терма командалари. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
03.10 «Х» программаси.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 «730-формула».
8.00 «Параллеллар».
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Кетдик».
9.00 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Фигурали учиш. Эркаклар. Лиллехаммердан кўрсатилади.
9.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 282-серия.
10.45 «Видеошеърият». А. Ахматова.
10.55 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Фигурали учиш. Эркаклар. Лиллехаммердан кўрсатилади.
12.00 «Янги чизиқ».
12.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.50 Эй-Би-Сининг дунё янгиликлари.
13.20 «Тюмень алгоритми». Ҳужжатли фильм.
13.50 «Сиз яратган боғ».
14.20 Олимпиада курьери.
14.50 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
16.00 Телефильм.
16.20 Болалар учун янгиликлар.
16.35 Жума кунлари Дисней. «Келинчак Бугиди». Бадиий фильм. 2-серия.
17.30 «М-трест».
17.55 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Конькида югуриш спорти. 1000 м. Эркаклар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
19.50 «Ҳар бир кун байрам».
*
20.00—22.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 «Тафсилотлар».
22.35 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.45 М. Жванецкий. «Бу ҳазил эмас — тақдир тақозоси». «Турли мамлакатларга саёҳат» туркумидан.
23.55 Криминал хабарлар экрани.
00.03 «Тонггача рақсга тушиб». Алена Апина.

Шанба, 19. II

● УзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 Республика газеталарининг шарҳи.
9.25 «Олти жаҳонгашта». Бадиий фильм.
10.30 «Кичкинтой»га хат келди».
11.00 Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ўқитувчи ва талабаларининг концерти.
12.15 «Халқ ижодиёти». Абдуназар бахши Поёнов.
11.45 «Ёнғиндан сақланинг!».
12.55 «Ёшлик» студияси. «Даврага кел, дугонажон!».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Сеҳрли сандиқ». Болалар учун фильм.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
18.40 «Шайхзода». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 «Аҳвол қандай, чемпион!» Бобомурод Файзиев.
19.45 «Тановар» миллий рақс ансамблининг концерти.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Ўзбекистон ва жаҳон».
22.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
22.20 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.15 Болалар учун. «Табассум».
20.00 «Зебо, Зиёда ўйнар». Фильм-концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.50 «Отпускага чиқолмадик». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

7.15, 15.40, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
7.20 Эрталабки бадантарбия машқлари.
7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
8.50 «Марафон-15» — кичкинтойларга.
9.20 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
10.45 «Тонгги почта».
11.15 «СМАК».
11.30 Экологик кўрсатув.
12.00 Мультфильм.
12.10 «Қиш келганда». Телевизион бадиий фильм премьераси [Япония].
13.40 «Севги тарихи».
14.20 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Чанғи икки кураши 15 км. га пойга. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
15.30 Янгиликлар.
15.45 «Ринальдо Ринальдини, қароқчилар атамани». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия [Германия, Югославия].
16.10 «Миниатюра».
16.25 «03 вагони».
17.05 Олимпиада кундалиги.
17.25 «Янгра, гармонь!».
18.10 «Эрмитаж». Кўп серияли телефильм премьераси. 4-фильм.
18.40 «Бир боқишда муҳаббат».
19.20 «Ҳафтанинг акс садоси».
19.50 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Қойилмақом жуфтлик». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.30 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Денгиз ҳам ҳикоя қилади». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
22.20 «Оба-на».
«Сно-видение» тунги канали:
23.00 «Портретига беш чизги...». Вячеслав Добрынин.
23.30 «Тунги хит». Танаффус пайтида [00.10] — Янгиликлар.
00.45 «Мидем». Франциядаги мусиқа фестивалидан репортаж.
00.55 «Тушингизга нима кирди!».
*
01.05 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
9.25 «Ретро-шлягер».
9.55 «Чашмалар».
10.25 «Рост» студияси.
*
11.00—14.50
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
11.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
11.10 «Мозийдан ёғдулар».
11.55 «Дидар» [қозоқ тилида].
12.25 «Сиёсий портретга чизгилар». Нарасимха Рао.
12.55 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлида».
13.40 «Ўзбек халқининг шонли қизи». Зебо Ғаниева.
14.10 Чет эл эстрадаси концерти.
14.40 «Бу ажиб дунё».
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
14.50 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Тоғ чанғиси. Тезлик билан тушиш. Лиллехаммердан кўрсатилади.
16.00 Телефильм.
16.20 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Чанғи спорти. 15 км. Эркаклар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилаади.
17.25 «Квадратдаги чақа-тангалар».
18.00 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Конькида югуриш спорти. Хотин-қизлар. 500 м. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
19.00 «Ҳар бир кун байрам».
19.10 «Бола тилидан».
19.40 Киномарафон. «Фожиали ов». Бадиий фильм. «Босқичлар» туркумидан.
21.20 «Репортёр».
*
21.35—22.35
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.35 «Мутлақо махфий».
23.25 «Кечки салон».
00.55 «А» программаси.

Якшанба, 20. II

● УзТВ I

7.00—9.10 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.10 «Ёш спортчилар мактаби».
9.30 «Оламни асранг!».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.40 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм. [Ҳиндистон]. 54—55-сериялар.
12.10 «Ўзингни эр билсанг...».
12.55 Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бошқармаси ансамблининг ҳисобот концерти.
14.25 «Қишлоқ ҳаёти». Публицистик-мусиқий кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
18.30 Бизнес мактаби.
19.00 «Ҳафтанома» [рус тилида].
19.30 «Ойнаи жаҳонда...».
19.50 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 «Нодирабегим». Бадиий фильм.
22.40 «Ҳафтанома».
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

«ОМАД» таништиради:
17.00 «Мультфейерверк».
17.25 «Курьер».
17.40 «Рок ҳақида».
18.00 «Ҳар соҳадан бир шингил».
18.10 «Совға».
18.35 «Даракчи».
18.45 Эълонлар.
18.50 «Видео-О».
20.30 «Курьер».
20.45 «Парижга қайтиш».
21.10 «Шарқ дурдоналари».
21.30 «Даракчи».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Видео-О».

● «ОРБИТА IV»

6.40 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки бадантарбия машқлари.
6.55 «Руҳни чиниқтириш».
8.30 «Осойишталик».
9.00 «Эрта саҳарлаб».
9.30 «Полигон».
10.00 «Спортлото».
10.15 «Ҳамма уйдалигида».
10.45 «Ҳунарли хор бўлмайди».
10.50 «Ақлли болалар ва ақлли қизлар».
11.30 Кубань «Казачья вольница» ансамблининг концерти.
11.55 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Фигурали учиш. Эркаклар. Ихтиёрий программа. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
13.35 Олимпиада кундалиги.
13.55 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Биатлон. 20 км. Эркаклар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
16.30 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
17.00 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
17.40 «Саёҳатчилар клуби».
18.45 Мультфильм.
19.05 «Юлдузларнинг ҳам макони ер».
19.55 Оила даврасида. «Кавказ асираси ёки Шурикнинг янги саргузаштлари». Бадиий фильм.
22.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатув.
22.45 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Россия — Чехия терма командалари. Лиллехаммердан кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.
01.00 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Трамплиндан сакраш. Лиллехаммердан кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
9.25 «Хайрли тонг, Европа!».
9.55 «Калит» кўрсатуви.
10.25 «Рост» студияси. «Бир куни...», «Соник—супер-ёжик».
*
10.55—14.50
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
10.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
11.05 «Дунё эшиги».
11.50 «Ён қўшним — жон қўшним».
12.35 «Рангинкамон» [тожик тилида].
13.05 «Безнен мирас» [татар тилида].
13.35 «Оҳанглар оғушида». Мусиқий кўрсатув.
14.05 «Чинсэн» [корейс тилида].
14.35 «Бу ажиб дунё».
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
14.50 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
16.00 Телефильм.
16.25 «Кесиб ташламанг...».
16.40 «Россия қобусномаси».
17.10 «Ҳайвонот оламида».
18.15 Диснейнинг сеҳрли олами. «Гуфи ва унинг командаси», «Қора плашч».
19.10 «Ҳар бир кун байрам».
19.20 XVII қишки олимпиада ўйинларида. Хоккей. АҚШ — Швеция. 3-давр. Лиллехаммердан кўрсатилади.
*
20.15—22.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Ксюша ҳузурида».
22.55 Эй-Би-Си билан якшанба оқшомида. «Қотилнинг бўсаси». Бадиий фильм.


МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 10.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет. Қоғоз бичими А — 2. Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.45. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Буюртма Г—743. 14576 нусхада.